

A.FR+MA

Молиявий ва бошқарув ҳисобига кириш

2024 й. учун имтиҳон намунаси



Мундарижа

Бошқарув ҳисобига кириш. Саволлар	2
Молиявий ҳисобга кириш. Саволлар	12
Бошқарув ҳисобига кириш. Жавоблар	24
Молиявий ҳисобга кириш. Жавоблар	33

Бошқарув ҳисобига кириш

Саволлар

1-савол. #осон, #назарий

Қуйидаги мақсадларнинг қай бири бошқарув ҳисоби мақсадларига кирмайди?

- A. маҳсулот ишлаб чиқариш нормативларига риоя қилиниши устидан назорат
- B. солиқ қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат
- C. фаолият натижаларини прогнозлаш
- D. ходимлар иши натижаларини баҳолаш

2-савол. #ўртача, # назарий

Бошқарув ҳисобига оид қуйидаги фикрларнинг қай бири тўғри?

- A. бошқарув ҳисобини фақат нотижорат ташкилотлари қўллайди
- B. бошқарув ҳисоби қонунчилигига риоя қилиниши назорат қилувчи органлар томонидан доимий текшириб борилиши керак
- C. бошқарув ҳисобига мувофиқ, ҳисоботлар муайян даврийликда тайёрланиши ва келгусида бу даврийликка қатъий амал қилиниши керак
- D. бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобга нисбатан хилма-хилдир

3-савол. #осон, #назарий

Бошқарув ҳисобига оид қуйидаги фикрлар тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатинг:

Бошқарув ҳисоби ташкилотнинг барқарор ривожланишига ёрдам бериши мумкин –
[тўғри/нотўғри]

Бошқарув ҳисобини юритиш усуллари ва дастакларини ташкилотлар мустақил танлайдилар –
[тўғри/нотўғри]

4-савол. #осон

Ботир яқинда китоб ёзиб, уни босиб чиқариш ва сотиш учун нашриёт билан келишди. Сотилган ҳар битта китоб учун нашриёт Ботирга 1,000 сўм қалам ҳақи тўлайди.

Ботирга тўланадиган қалам ҳақи харажатларини нашриёт қандай таснифлаши керак?

- A. доимий харажатлар
- B. қўшимча харажатлар
- C. маъмурий харажатлар
- D. бевосита (тўғридан-тўғри) харажатлар

5-савол. #ўртача

Экспорт билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш компаниясининг директори ўтган ой давомида реализация ҳажми бўйича фойдадаги салбий оғишни қайд қилди.

Бундай оғишнинг эҳтимолий ИККИ сабабини кўрсатинг:

- A. материал нархи режалаштирилганидан юқорироқ бўлиб чиқди
- B. мамлакатдан олиб чиқиладиган товарга давлат қутилмаганда чекловлар жорий қилди
- C. иш кучи қиймати режалаштирилганидан кўпроқ бўлиб чиқди
- D. компания маҳсулотларига бўлган талаб ижтимоий тармоқлардаги салбий муносабат туфайли тушиб кетди

6-савол. #ўртача**Қуйидаги харажатларнинг қай бири ишлаб чиқаришга оид ўзгарувчан харажатларга кирази?**

- A. ишлаб чиқариш хоналарининг инфляция сабабли бир йилда бир марта ошиши мумкин бўлган ижараси
- B. ишлаб чиқариш дастгоҳининг ишлаши учун бир киловатт-соатга қатъий белгиланган тарифда тўланадиган электр энергияси
- C. ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқаришдаги назоратчининг иш ҳақи
- D. сотилган маҳсулот сонидан келиб чиқиб агентга тўланадиган ҳақ

7-савол. #мураккаб

Якка тартибдаги тадбиркорлар Абдуллаев ва Мўминов меваларни стандарт қутида улгуржи сотиш билан шуғуллана бошлади. Дастлабки 10 иш кунда Абдуллаев бир кунда ўрта ҳисобда 15 қути мева, Мўминов эса 12 қути мева сотди. 10 кун якунлари бўйича Абдуллаевнинг бир кунлик сотувларидаги стандарт оғиш 14 қутига, Мўминовники эса – 2 қутига тенг.

Тўғри бўлган ИККИ тасдиқни танланг:

- A. 10 кунлик иш якунлари бўйича Абдуллаев Мўминовга қараганда кўпроқ мева сотди
- B. Абдуллаевнинг бир кунлик сотувлари Мўминовникига қараганда унчалик барқарор бўлмади
- C. Мўминов 10 кун ичида 118 қути мева сотди
- D. Абдуллаев келгусида бир кунда 3 тадан 27 гача қути мева сотади
- E.

8-савол. #ўртача

Бошқарув ҳисоби мутахассиси бир бирлик тайёр маҳсулотга тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар – 2 млн сўмга, ҳар ойдаги доимий харажатлар эса 100 млн сўмга тенглигини аниқлади.

V – бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот деб фараз қилсак, компаниянинг бир йилдаги умумий харажатларини ҳисоб-китоб қилишда ишлатиладиган тенгликни аниқланг.

- A. $24 \times V + 1\,200$
- B. $102 \times V$
- C. $2 \times V + 100$
- D. $2 \times V + 1\,200$

9-савол. #мураккаб

Ишлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратиш учун турли математик усуллар, масалан, минимакс усул ҳамда энг кичик квадратлар усули қўлланилади.

Минимакс усул билан энг кичик квадратлар усули таққосланган қуйидаги фикрлар тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатинг:

минимакс усулда энг кичик квадратлар усулидагига қараганда қийинроқ ҳисоб-китоблар ишлатилади – [тўғри/нотўғри]

минимакс усулда умумий харажатлар минимал ва максимал даражада бўлган икки давр учунгина олинган ишлаб чиқариш ҳажми ва умумий харажатларга доир ахборот қўлланилади – [тўғри/нотўғри]

10-савол. #осон

Мебель фабрикаси диван ишлаб чиқаради.

Мебель фабрикасига тегишли қуйидаги харажатларнинг қай бири устама харажат тури бўлиб ҳисобланади?

- A. диванни қоплашда ишлатиладиган газлама
- B. диван каркаси учун ишлатиладиган ёғоч-тахта
- C. диванга термик ишлов беришда сарфланадиган электр энергияси
- D. диван оёқлари учун ишлатиладиган металл

11-савол. #осон

Қуйидаги мақсадларнинг қай бири оғишларни таҳлил қилиш мақсадларига кирмайди?

- A. иш натижаларини баҳолаш
- B. солиқ органлари учун фойданинг ўзгарганлигининг асосини тайёрлаш
- C. қабул қилинган қарорларнинг фойдага таъсирини баҳолаш
- D. нормативларга риоя қилинишини назорат қилиш

12-савол. #ўртача

Доимий харажатлар хусусидаги энг тўғри фикрни аниқланг:

- A. доимий харажатлар – ҳеч қачон ўзгармайдиган харажатлардир
 - B. компания доимий харажатларга таъсир қилиш имконига эга эмас
 - C. доимий харажатлар бевосита ишлаб чиқариш ҳажмларига боғлиқ эмас
 - D. компаниянинг доимий харажатлари қанча кўп бўлса, бизнес учун хатарлар шунча кам бўлади
-

13-савол. #осон

Сардор яқинда йирик ишлаб чиқариш компаниясига бошқарув ҳисоби менежери бўлиб ишга жойлашди ва унга материаллар сарфи бўйича бюджет тайёрлаш топширилди.

Сардор бир бирлик маҳсулот учун материалнинг норматив сарфига тегишли долзарб ахборотга қандай эга бўлиши мумкин?

- A. маҳаллий статистика органларига талабнома йўллаш орқали
- B. ишлаб чиқариш бўйича директор билан кенгашган ҳолда
- C. аввалги иш жойидан олинган ахборотни қўллаш орқали
- D. ўтган йилги бюджетдан олинган ахборотни қўллаш орқали

14-савол. #ўртача

Йил якунлари бўйича меҳнат унумдорлигидаги салбий оғиш қуйидаги сабабларнинг қай бири билан изоҳланиши мумкин?

- (1) Ишлов бериш қийинроқ бўлган паст сифатли материалдан фойдаланилиши
 - (2) Энг тажрибали ходимнинг йилнинг ўртасида кутилмаганда ишдан бўшаши, унинг ўрнига стажёр (иш ўрганувчи)нинг ишга олиниши
 - (3) самарадорликнинг ошишига сабаб бўлган янги иш усулларининг йилнинг ўртасида жорий қилиниши
- A. (1), (2) ва (3)
 - B. фақат (1)
 - C. фақат (2)
 - D. (1) ва (2)

15-савол. #ўртача

Компания импорт қилинган хом ашёдан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади.

Қуйида келтирилган харажат турлари ва уларга доир мисоллар орасидаги мувофиқликни аниқланг:

Харажатга доир мисоллар	Харажат турлари
Бошқарув ҳисоби бухгалтерининг иш ҳақи	бир бирлик учун ишлаб чиқариш бўйича доимий харажатлар
Ишлаб чиқариш хоналарининг амортизацияси	Ишлаб чиқариш бўйича доимий харажатлар
Хом ашё бирлигининг импортига оид бож тўлови	Доимий маъмурий харажатлар
Дўкон биносининг ижараси	Реализация бўйича доимий харажатлар

16-савол. #ўртача

Сардор шаҳардаги университет талабаси ҳисобланиб, амалий бошқарув бўйича мутахассис (МВА) даражасини эгаллашга тайёргарлик кўрмоқда. Сардор ва ўқишдаги унинг шериклари бошқарув ҳисоби бўйича қуйидаги якуний натижаларни қўлга киритдилар: 95, 100, 80, 85, 65, 91 балл.

Бу гуруҳдаги медиан баҳо қанчага тенг?

- A. 86 баллга
- B. 88 баллга
- C. 85 баллга
- D. 91 баллга

17-савол. #мураккаб

Компаниянинг аниқлашича, миқдорларга маҳсулот етказиб бериш бўйича умумий харажатлар билан сотиш ҳажми ўртасида кучли чизиқли боғлиқлик мавжуд. Бир ойлик сотувлар 400 бирликка тенг бўлганда етказиб бериш бўйича умумий харажатлар 10000 млн сўмни ташкил қилади. Бир ойлик сотувлар 800 бирлик бўлганда етказиб бериш бўйича умумий харажатлар 12000 млн сўмни ташкил қилади.

650 бирлик маҳсулот сотилган тақдирда, етказиб бериш бўйича умумий харажатлар қанчага тенг бўлишини кўрсатинг:

_____ млн сўмга

18-савол. #ўртача

Стратегик қарорлар қабул қилишда ишлатиладиган ахборотга қуйидагилардан нима киради?

- A. келгуси давр учун бюджет лойиҳаси
 - B. эҳтимолдаги хом ашё етказиб берувчилар рўйхати
 - C. оғишлар таҳлили
 - D. бозордаги улуш
-

19-савол. #ўртача

Бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бюджет вақти – иш ҳақи тўлаш ставкаси бир соатда 4 млн сўм бўлганда 2 соатга тенг. Аслида эса 10000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ишчилар олган умумий иш ҳақи миқдори 75000 млн сўмни ташкил қилди.

Бевосита меҳнат сарфи бўйича умумий оғиш қанчага тенг?

- A. 5000 ижобий
 - B. 35000 ижобий
 - C. 5000 салбий
 - D. 35000 салбий
-

20-савол. #ўртача, #назарий

Бюджетлаштиришнинг анъанавий жараёни камчилигига тааллуқли бўлган фикрни кўрсатинг:

- A. бюджет фақат тижорат ташкилоти томонидан тайёрланади
 - B. замонавий ташкилотлар аниқ ва асослантирилган прогноз тайёрлай оладиган ходимларга эга эмас
 - C. тез ўзгарувчан шароитларда нормативлар ўз долзарблигини тез йўқотиши мумкин, бу эса бюджетлашдан кўриладиган нафни сезиларли даражада камайтиради
 - D. бюджетлар мутлақо бефойда, зеро ҳақиқий натижалар бюджетдагидан ҳар доим фарқ қилади
-

21-савол. #осон

Компания ишининг биринчи ойида 1000 бирлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарди. Биринчи ойдаги сотувлар ишлаб чиқаришнинг ярмига тенг. Реализация нархи бир бирлик учун 10 млн сўмни ташкил қилди. Бир бирлик тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи 4 млн сўмга тенг.

Ўтган ойдаги ялпи фойдани кўрсатинг:

_____ млн сўм

22-савол. #ўртача

Компания ягона маҳсулот ишлаб чиқаради ва кейинги йилнинг бюджетини тузмоқда. Кейинги йилдаги режалаштирилаётган сотувлар 140000 бирликка тенг. Йил бошидаги ҳолатга кўра тайёр маҳсулот омборида 11500 бирлик мавжуд. Раҳбарият томонидан йил охирига келиб тайёр маҳсулот захираларини 50 %га камайтириш вазифаси қўйилди.

Кейинги йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бюджет ҳажми қанчага тенг?

_____ бирликка

23-савол. #мураккаб

Ишлаб чиқариш компаниясининг кейинги ойдаги бюджети қуйида келтирилган:

Материаллар

Бир бирлик тайёр маҳсулотга қанча сарфланиши	3 кг
Ой бошидаги ҳолатга талаб қилинадиган қолдиқ	1800 кг
Ой охиридаги ҳолатга талаб қилинадиган қолдиқ	1000 кг

Компания кейинги ойда 4400 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Материал бир килограммининг нархи – 2 млн сўм.

Кейинги ойда материал сотиб олиш бюджети қанчага тенг (млн сўмда)?

- A. 28 000
- B. 7 200
- C. 24 800
- D. 12 400

24-савол. #ўртача

Илгиз керамик плитка ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, савдо тармоқларига унинг ҳар бир ўрамини 300 млн сўмдан сотади. Бир ўрам плиткани ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан харажатлари 100 млн сўмга тенг. Бир йил учун доимий харажатлар 80000 млн сўмга тенг.

Ўтган йил давомида Илгиз плитканинг 500 ўрамини агентлар-воситачилар ёрдамида сотиб, бунинг учун уларга плитка нархининг 10 %и миқдорида ҳақ тўлади.

Илгизнинг 500 ўрам плиткани сотишдан ўтган йил учун маржинал фойдаси қанчага тенг бўлган?

- A. 5000 млн сўмга
- B. 85000 млн сўмга
- C. 100000 млн сўмга
- D. 55000 млн сўмга

25-савол. #мураккаб

Ўтган ой ичида компания материаллар нархидаги 180000 млн сўмлик ижобий оғишни ва материаллар сарфидаги 200000 млн сўмлик салбий оғишни қайд қилди.

Тўғри тасдиқни танланг:

- A. материаллар бўйича ҳақиқий харажатлар бюджетдагидан 20 млн сўмга кўпроқ бўлган
- B. материаллар бўйича ҳақиқий харажатлар бюджетдагидан 20 млн сўмга камроқ бўлган
- C. материалнинг ҳақиқий нархи бюджет нархидан ошиб кетган
- D. материалдан бюджетда кўзланганидан унумсизроқ фойдаланилган

26-савол. #ўртача

Компания ўзининг кейинги йилги бюджетини тайёрламоқда. Харидлар бўйича менежер хом ашёнинг йўқотилишини 10 % дан 5 %гача камайтириш имконига эга бўлиш учун асосий хом ашёни етказиб берувчиларни ўзгартиришни таклиф қилди.

Йўқотишлар фоизининг пасайтирилиши материал сотиб олишнинг режалаштирилаётган ҳажмига ҳамда маржинал фойдага қай йўсинда ўз таъсирини кўрсатади?

	Материал харидлари (кг)	Маржинал фойда (млн сўм)
A.	камаяди	ошади
B.	камаяди	камаяди
C.	кўпаяди	ошади
D.	кўпаяди	камаяди

Жавобга изоҳ:

Хом ашёнинг йўқотишлари фоизи 10% дан 5% га пасайганида ишлаб чиқариш учун зарур материал миқдори камаяди, бу эса материал хариди ҳажмининг камайишига олиб келади.

Маржинал фойданинг ошиши материал харидига оид сарфларнинг қисқарганлиги натижаси, бу оқибатда умумий фойдани кўпайтиради.

27-савол. #мураккаб

Компания ўзининг ягона маҳсулоти бўйича кейинги йилги бюджетини тайёрламоқда. Ўтган йиллардаги компаниянинг сиёсатига кўра, тайёр маҳсулот омборида ойнанинг охирида кейинги ойда режалаштириладиган сотувларнинг 20 %и миқдоридаги маҳсулот бўлиши керак. Йил охирида компания захираларни бошқаришга доир ўз ёндашувини ўзгартиришни ва захираларни бошқаришнинг «роппа-роса ўз муддатида» усулини жорий қилишни режалаштирмоқда.

Йил охирида «роппа-роса ўз муддатида» усулининг жорий қилиниши бир йил ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига ва харид қилинган материаллар ҳажмига ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига қандай таъсир кўрсатади?

	Материал харидлари (кг да)	Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш (бирликда)
A.	камаяди	камаяди
B.	камаяди	ўзгармайди
C.	ўзгармайди	камаяди
D.	ўзгармайди	ўзгармайди

28-савол. #мураккаб

Қуйида ишлаб чиқариш компанияси бўйича ўтган ой якунларига тегишли маълумотлар кўрсатилган.

	Бюджет	Факт
Ишлаб чиқариш (бирликда)	10 000	11 000
Бевосита меҳнат сарфлари (млн сўм)	200 000	190 000
Бевосита меҳнат соатлари (соатлар)	16 000	15 000

Ўтган ой якунлари бўйича меҳнат унумдорлигидаги оғиш қанчага тенг бўлган?

_____ млн сўмга [ижобий/салбий]

29-савол. #ўртача

Ишлаб чиқариш компаниясининг бошқарув ҳисоби бўйича икки мутахассиси оғишларнинг таҳлили ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

- (1) «Оғишларни таҳлил қилиш келгусида молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот тайёрлаш учун керак»
- (2) «Реализация (Сотувлар) нархидан олинган фойданинг оғиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

(ҳақиқий Реализация (Сотувлар) нархи – бюджет бўйича Реализация (Сотувлар) нархи) x бюджет бўйича Реализация (Сотувлар) ҳажми»

Қуйидаги фикрларнинг қай бири тўғри?

- A. фақат (1)
- B. фақат (2)
- C. иккала фикр тўғри
- D. иккала фикр нотўғри
- E.

30-савол. #ўртача

Алишер канцелярия товарларини юридик шахсларга сотиш бизнесини ишга туширди. Сотувлар бўлими раҳбари этиб Муродни ишга ёллади. Мурод бир ойда 40 млн сўм ва қўшимча равишда – сотувлардан 10 % миқдорида иш ҳақи олади.

Муроднинг иш ҳақи харажатнинг қайси турига киришини кўрсатинг:

- A. доимий
- B. ўзгарувчан
- C. ярим ўзгарувчан
- D. поғонали

31-савол. #ўртача

Компания маҳсулот ишлаб чиқариб, маҳсулотнинг бир бирлигини 30 млн сўмдан сотади. Ҳар бирликдан олинadиган маржинал фойда 10 млн сўмга тенг.

Компания бир ойлик сотувларни 40 бирликка ошира оладиган, бир ойдаги қатъий белгиланган маоши 100 млн сўм бўлган қўшимча ходимни сотув бўлимига ёлласа, унинг бир ойдаги фойдаси қандай ўзгаради?

- A. 1100 млн сўмга ошади
- B. 300 млн сўмга ошади
- C. 700 млн сўмга ошади
- D. 100 млн сўмга камаяди

32-савол. #осон

Компания икки маҳсулот – X ва Y ишлаб чиқариб, сотади. X бир бирлигини ишлаб чиқариш учун 4 кг материал, Y бир бирлигини ишлаб чиқариш учун эса – 5 кг материал керак. Кейинги йилда компания 100 бирлик X маҳсулот ва 200 бирлик Y маҳсулот сотишни режалаштирмоқда. Компания тайёр маҳсулот қолдиқларини сақламайди ва ўша даврнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммасини сотиб юборади.

Келгуси йилда сарфланадиган материал ҳажми қанчага тенг?

_____ кг га

33-савол. #ўртача

Компания 20X9 йилнинг январь ойида 100 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва бунинг учун 5000 млн сўм сарф қилди.

20X9 йилнинг январь ойида бир бирлиги 80 млн сўмдан 80 бирлик маҳсулот сотилди.

20X9 йилнинг январь ойи учун ялпи фойда қанчага тенг?

_____ млн сўмга

34-савол. #мураккаб

Компания мижоздан қурилиш ишларини бажаришга буюртма олди. Қурувчиларга тўланадиган умумий вақтнинг 10 %и туриб қолишлар вақтига тўғри келиши кутилмоқда.

Қурувчиларнинг меҳнат ҳақи ставкаси соатига 1.6 млн сўмга тенг. Мижознинг буюртмасини бажариш учун қурувчилар 4590 соат ишлаши керак.

Мижоз буюртмасини бажариш учун меҳнат ҳақини тўлаш харажатлари қанчага тенг?

_____ млн сўмга

35-савол. #ўртача

Компания зарар кўриб ишлайдиган ИККИ вазиятни танланг:

- A. маржинал фойданинг доимий харажатлардан кам бўлиши
- B. компания сотиши мумкин бўлганидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши
- C. сотиш нархининг бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлардан паст бўлиши
- D. операция фойданинг доимий харажатлардан кам бўлиши

36-савол. #Ўртача

Қуйида моддий харажатларга доир мисоллар келтирилган:

- (1) ишлаб чиқариш хоналарини тозалашда ишлатиладиган маиший кимё воситалари
- (2) ишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлашда ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар
- (3) маҳсулот намуналарини лабораторияда синовдан ўтказишда ишлатиладиган реагентлар

Юқоридаги харажатларнинг қайсилари устама харажат бўлиб ҳисобланади?

- A. (1) ва (2)
- B. (2) ва (3)
- C. фақат (2)
- D. (1), (2) ва (3)

37-савол. #Ўртача

Компания раҳбарияти тайёр маҳсулот омборида захираларнинг сақланиши зарур деб ҳисоблайди.

Ортиқча захиралар сақланишининг ИККИ камчилигини кўрсатиб ўтинг:

- A. талаб ўсганда захиралар етишмаслигининг хавфи ошади
- B. захираларни сақлаш харажатлари кўпаяди
- C. сотишдан тушум камаяди
- D. захираларнинг бузилиши ва эскириши хавфи ошади

38-савол. #Ўртача

«Велосьют» компанияси велокостюм ишлаб чиқаради ва уларни ўз савдо белгиси остида сотади. Костюм тикишга газлама бир қанча узоқ хорижий мамлакатлардан йирик туркумларда импорт қилинади. Металл тўғноғичлар маҳаллий кийим ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинади.

Қуйидаги харажатларнинг қай бири велокостюм ишлаб чиқаришнинг бевосита харажатларига киради?

- A. велокостюм учун металл тўғноғич сотиб олиш нархлари
- B. газлама туркумини олиб киришга бўйича импорт божи
- C. ишлаб чиқариш директорининг иш ҳақи
- D. мусобақаларда велокостюмдан фойдалангани учун профессионал спортчиларга бериладиган мукофот пули

Молиявий ҳисобга кириш

Саволлар

39-савол. #осон

20X6 йилнинг 25 декабрида ABC компанияси оддий акциялар сақловчиларига битта акцияга 100 сўм ҳисобида дивидендларни тўланиши ҳақида эълон қилди. Мазкур санада компаниянинг 10 млн дона оддий акциялари муомалада бўлган. ABC компаниясининг низомига мувофиқ битта акциянинг номинал қиймати 1 000 сўмга тенг.

Ушбу операция компаниянинг 20X6 йил учун фойдасига қандай таъсир қилишини кўрсатинг:

- A. фойда 1000 млн сўмга камаяди.
- B. фойда 10 млн сўмга камаяди.
- C. фойда 100 млн сўмга камаяди.
- D. фойда ўзгармайди.

40-савол. #мураккаб

Сизга ўрта бизнес кўламидаги компания бош китобининг 20X4 йил 31 декабр ҳолатидаги айрим счётларини тақдим этишди:

пул маблағлари			
кирувчи қолдиқ	10	коммунал харажатлар	12
тушум	140	транспорт харажатлари	30
дебитор қарздорлик	99	иш ҳақи	45
		кредитор қарздорлик	82
тушум		пул	140
		дебитор қарздорлик	107
сотувлар таннархи			
захиралар	94	захиралар	4
иш ҳақи			
пул маблағлари	45		
тақсимланмаган фойда			
кирувчи қолдиқ	10		

Фақат тақдим этилган ахборотга асосланиб, даврни ёпиш операцияси олдидан мазкур счётлар бўйича айланма-қолдиқ қайдномасидаги қолдиқлар қандай бўлишини кўрсатинг?

- пул маблағлари – [80] – [дт/кт ни танланг]
- тушум – [247] – [дт/кт ни танланг]
- сотувлар таннархи – [90] – [дт/кт ни танланг]
- иш ҳақи – [45] – [дт/кт ни танланг]
- тақсимланмаган фойда – [10] – [дт/кт ни танланг]

41-савол. #осон**Қуйида келтирилган тасдиқлардан ҳар бирининг тўғри ёки нотўғри эканлигини танланг:**

Етказиб берувчига **бўнаклар** счётининг дебети бўйича ўтказма унинг компания олдидаги қарзини оширади – [тўғри/нотўғри]

Харидорнинг **қарздорлиги** счётининг кредити бўйича ўтказма унинг компания олдидаги қарзини камайтиради – [тўғри/нотўғри]

42-савол. #ўртача

20X2 йилнинг 30 декабрида компания харидорга тўловни кечиктириш шартларида товар туркумини 120 млн сўмга сотди. Харидор бутун туркум учун тўловни 20X3 йилнинг 20 январида амалга ошириши керак. Компания ушбу захиралар туркумини 20X2 йилнинг 15 декабрида 80 млн сўмга сотиб олган эди.

Ушбу операция компаниянинг 20X2 йилнинг 31 декабрида яқунланган ҳисобот даври фойдасига қандай таъсир кўрсатишини аниқланг?

- A. фойда 120 млн сўмга ошади.
- B. фойда 40 млн сўмга ошади.
- C. фойда 80 млн сўмга камаяди.
- D. фойда ўзгармайди.

43-савол. #осон

Якка тартибдаги тадбиркор А.К. Бориев захираларни ҳисобга олишнинг даврий усулидан фойдаланади. 20X3 йилнинг 31 декабр ҳолатига унинг омборида юкхат асосидаги қиймати 300 млн сўмни ташкил этган товарлар туркуми қолган. 20X4 йилнинг 15 январида А.К. Бориев кўрсатилган товарларни етказиб берувчидан юкхатда хатога йўл қўйилганлиги ва ушбу захиралар туркумининг ҳақиқий қиймати 290 млн сўмни ташкил этиши тўғрисидаги хабарномани олди.

20X3 йилнинг 31 декабр ҳолатидаги ҳисоботларда якка тартибдаги тадбиркорнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи учун захираларни қандай қийматда баҳолаб кўрсатиш лозим?

- A. 300 млн сўм.
- B. 290 млн сўм.
- C. 10 млн сўм.
- D. тақдим этилган ахборот асосида буни аниқлашнинг имкони йўқ, чунки захираларни ҳисобга олишнинг даврий усулидан фойдаланилади

44-савол. #мураккаб

20X4 йилнинг 1 январ ҳолатига компаниянинг асосий воситалари бўйича жамғарилган амортизация счётининг қолдиғи 250 млн сўмни, 20X4 йилнинг 31 декабр ҳолатига – 60 млн сўмни ташкил этган. 20X4 йил давомида компания бир нечта асосий воситаларини сотди ва асосий воситалар бўйича 110 млн сўм миқдоридида амортизацияни ҳисоблади.

20X4 йил давомида сотилган асосий воситаларнинг жамғарилган амортизацияси қанчага тенг бўлганини кўрсатинг: _____ млн сўм.

45-савол. #осон, #назарий

Якка тартибдаги тадбиркор М. Ҳамидов бизнесининг ҳисобрақамига боғланган банк картасидан фойдаланиб, ўз оиласи учун янги йил совғаларини сотиб олди. Ҳисобчи ушбу операцияни бизнеснинг маъмурий харажатлари сифатида қайд этди.

Мазкур вазиятда қуйида келтирилган бухгалтерия тамойилларидан қайси бири бузилганлигини кўрсатинг:

- A. иккиёқлама ёзув тамойили.
- B. эҳтиёткорлик тамойили.
- C. ҳисоблаш тамойили.
- D. хўжалик бирлигининг автономлиги тамойили.

46-савол. #ўртача

Кўнгилочар ўйин-кулгулар боғини бошқарувчи компания илгари мижозларга ижарага бериб келинган квадроциклни сотди. Квадроциклнинг бошланғич харид қиймати 1 400 млн сўмга тенг бўлган. Сотиш санасида жамғарилган амортизация 950 млн сўмни ташкил этди. Компания томонидан квадроциклни сотишдан олинган фойда 220 млн сўмга тенг бўлди.

Квадроциклни сотиш нархи қанчага тенг эканлигини аниқланг?

- A. 220 млн сўмга.
- B. 450 млн сўмга.
- C. 230 млн сўмга.
- D. 670 млн сўмга.

47-савол. #осон

Сиздан зоодўкон учун ҳисобот тайёрлаб беришни сўрашди.

Қуйида келтирилган ҳисобга олиш объектларини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг уларга мувофиқ келадиган бўлимлари билан мослаштиринг (ҳар бир бўлимда биттадан кўп бўлмаган объект бўлиши мумкин):

- сотувлар таннархи
- бошқарув харажатлари
- тижорат харажатлари
- молиявий харажатлар
- тушум

давр давомида сотилган аквариум балиқлари учун зоодўкон томонидан тўланган нарх чакана савдо бўлимидаги сотувчиларнинг иш ҳақи

давр мобайнида сотилган аквариум балиқлари учун харидорлар томонидан тўланган нарх қисқа муддатли банк қарзлари бўйича тўланган фоиз тўловлари бухгалтерия бўлими ходимларининг иш ҳақи

48-савол. #ўртача

Якка тартибдаги тадбиркор Ҳ. Шарипов қуйидаги операцияларни амалга оширди:

- (1) илгари олинган маҳсулотлар учун етказиб берувчига 15 млн сўмни тўлади;
- (2) товарни харидорга етказиб бериш учун такси хизматига 10 млн сўмни тўлади.

Ушбу иккала операция Ҳ. Шариповнинг ҳисоб тенгламасига қандай таъсир қилишини кўрсатинг:

<i>активлар</i>	<i>мажбуриятлар</i>	<i>капитал</i>
A. 10 млн сўмга камаяди	ўзгармайди	10 млн сўмга камаяди
B. 15 млн сўмга камаяди	ўзгармайди	15 млн сўмга камаяди
C. 25 млн сўмга камаяди	15 млн сўмга камаяди	10 млн сўмга камаяди
D. 15 млн сўмга камаяди	15 млн сўмга камаяди	ўзгармайди

49-савол. #ўртача

Компания харидор илгари компаниядан тўловни кечиктириш шarti билан сотиб олган ва тўлаб беришга улгурган товарлар учун пулларни харидорга қайтарди. Сотиб олинган товарларни харидор бир ҳафтадан сўнг қайтаради.

Ушбу операцияни ҳисобда тўғри қайд этиш имконини берадиган ўтказмалар вариантини танланг:

A.	Дт «Дебитор қарздорлик» Кт «Пул»	Дт Кт «Сотувлар таннархи»	«Захиралар»
B.	Дт Кт «Пул»	«Дебитор	қарздорлик»
C.	Дт Кт «Сотувлар таннархи»		«Захиралар»
D.	Дт «Захиралар» Кт «Сотувлар таннархи»	Дт Кт «Пул»	«Кредитор қарздорлик»
	Дт Кт «Кредитор қарздорлик»		«Пул»

50-савол. #ўртача

Маиший техника савдоси билан шуғулланувчи компания захираларнинг партиявий ҳисобини юритади. Бир ой давомида компания етказиб берувчилардан суммаси 5500 млн сўмга тенг товарларни олди, харидорларга эса 5250 млн сўмга (сотиб олиш нархида) товарларни сотди. Ой бошида омордаги захиралар қолдиғи 450 млн сўмни, ой охирида эса – 340 млн сўмни ташкил этди.

Ой давомида қайтарилган товар суммаси қанчага тенг эканлигини аниқланг?

_____ млн сўмга

51-савол. #мураккаб

Сизга компаниянинг хусусий капитали тўғрисида қуйидаги маълумотлар тақдим этилди (“XXX” белгиси ахборот очиқ шаклда мавжуд эмаслигини англатади):

	20X4 йилнинг 1 январ ҳолатига	20X4 йилнинг 31 декабр ҳолатига
акциядорлик капитали	800 млн сўм	800 млн сўм
эмиссион даромад	100 млн сўм	XXX
тақсимланмаган фойда	460 млн сўм	XXX
жами	1 360 млн сўм	1 630 млн сўм

Компания 20X4 йилда акциялар билан боғлиқ ҳеч қандай операцияларни амалга оширмаганлиги, шунингдек, шу йил учун 340 млн сўм миқдоридagi дивидендларни ҳисоблаганлиги ва тўлаганлиги маълум.

20X4 йил учун компаниянинг фойдаси қанчага тенг эканлигини кўрсатинг?

- A. 610 млн сўмга.
- B. 850 млн сўмга.
- C. 710 млн сўмга.
- D. келтирилган ахборот асосида буни аниқлашнинг имкони йўқ

52-савол. #ўртача

Компания бир неча йил олдин 420 млн сўмга асосий воситани сотиб олган. Унинг тугатиш қийматини компания 60 млн сўм миқдорида белгиланган. Ушбу асосий восита бўйича чизикли усулда ҳисобланадиган йиллик амортизация 40 млн сўмни ташкил этди.

Компания ушбу асосий восита учун қанчага тенг фойдали хизмат муддатини белгиланганлигини аниқланг: _____ йил

53-савол. #ўртача

Ҳозиргина сиз ўрта бизнес кўламидаги «Мушук» компаниясига бухгалтер лавозимида ишга кирдингиз. Бухгалтерия китобларини таҳлил қилиш жараёнида сиз айна битта контрагент, яъни «Пахта» компаниясининг ҳам сотувлар китобида, ҳам харидлар китобида счётлари мавжудлигини аниқладингиз. Харидлар китобида бу —«Пахта» компаниясининг «Мушук» компанияси олдидаги 400 млн сўмга тенг қарздорлиги бўлса, сотувлар китобида эса — «Мушук» компаниясининг «Пахта» компанияси олдидаги 230 млн сўм қарздорлигидан иборат.

Укажете проводку, которой компании «Мушук» и «Пахта» смогут провести взаимозачет задолженности друг перед другом:

«Мушук» ва «Пахта» компаниялари бир-бирлари олдидаги қарзларини ўзаро ҳисобга олинишини қайд этишлари мумкин бўлган ўтказмани кўрсатинг:

- A. Дт «Кредитор қарздорлик» 400 млн сўм
Кт «Дебитор қарздорлик» 400 млн сўм
- B. Дт «Дебитор қарздорлик» 400 млн сўм
Кт «Кредитор қарздорлик» 400 млн сўм

C. Дт «Дебитор қарздорлик»	230 млн сўм
Кт «Кредитор қарздорлик»	230 млн сўм
D. Дт «Кредитор қарздорлик»	230 млн сўм
Кт «Дебитор қарздорлик»	230 млн сўм.

54-савол. #ўртача

20X3 йилнинг якунида компания маслаҳат хизматлари бўйича 200 млн сўм миқдордаги харажатларни ҳисоблаб кўрсатди. Ҳисобланма компания лойиҳаларидан бири бўйича маслаҳатчиларнинг меҳнат сарфларини баҳолаш асосида амалга оширилди. 20X4 йилнинг март ойида, 20X3 йил учун ҳисобот шакллантириб бўлинганидан кейин, маслаҳатчилар компанияга ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича 230 млн сўм суммадаги ҳисобни тақдим этишди.

230 млн сўм суммадаги тўлов учун ҳисобнинг олиниши компаниянинг 20X4 йил учун фойдасига қандай таъсир қилишини кўрсатинг:

- A. фойда 30 млн сўмга камаяди.
- B. фойда 30 млн сўмга ошади.
- C. фойда 230 млн сўмга камаяди.
- D. фойда 230 млн сўмга ошади.

55-савол. #ўртача, #назарий

Қуйида келтирилган тасдиқлардан ҳар бирининг тўғри ёки нотўғри эканлигини танлаб кўрсатинг:

Асосий воситанинг ҳисобига нисбатан тарихий қийматнинг қўлланилиши ҳисобда у доимо харид нархи бўйича ўзгаришсиз акс эттирилишини англатади – **[тўғри/нотўғри]**

Тарихий қийматнинг қўлланилиши ҳисоблаш тамойилига зид – **[тўғри/нотўғри]**

56-савол. #ўртача, #назарий

Қуйида келтирилган вазиятлардан қайси бирида компанияда мажбурият юзага келМАСлигини кўрсатинг:

- A. компания товарни етказиб беришга оид шартномани тузди ва мижоздан олдиндан тўловни олди
- B. якка тартибдаги тадбиркор клининг (тозаловчи) компания билан хизматлар кўрсатишга оид шартномани тузди
- C. компания юкхат ва олинганидан кейин 30 кун давомида тўланиши керак бўлган тўлов учун ҳисоб билан бирга етказилган товарларни олди
- D. якка тартибдаги тадбиркор электр энергиясидан фойдаланди, тўлаш учун ҳисоб унга фақат кейинги ойда тақдим этилади

57-савол. #ўртача

Якка тартибдаги тадбиркор гаджетларнинг эксклюзив етказиб берувчиси – «Г» компанияси номидан ва унинг топшириғи бўйича мижозларга гаджетларни сотади. 31 март куни у мижозларга 400 млн сўмлик товарларни сотди. Якка тартибдаги тадбиркорнинг воситачилик ҳақи ушбу сумманинг 10 %ини ташкил этади. Мижозлар олинган товар учун қарзни тўлиқ сўндиришидан кейин у қолган сумманинг

ҳаммасини «Г» компаниясига ўтказиб бериши керак. Ушбу товарлар туркумининг таннархи 300 млн сўмни ташкил этади.

Юқорида баён этилган схемага мувофиқ 31 мартдаги сотувларни тўғри акс эттирадиган ўтказма (ёки ўтказмалар) вариантини танлаб кўрсатинг:

A.	Дт «Дебитор қарздорлик»	400 млн сўм
	Кт «Кредитор қарздорлик»	360 млн сўм
	Кт «Тушум»	40 млн сўм
	Дт «Сотувлар таннархи»	300 млн сўм
	Кт «Захиралар»	300 млн сўм
B.	Дт «Дебитор қарздорлик»	400 млн сўм
	Кт «Кредитор қарздорлик»	360 млн сўм
	Кт «Тушум»	40 млн сўм
C.	Дт «Дебитор қарздорлик»	400 млн сўм
	Кт «Тушум»	400 млн сўм
	Дт «Сотувлар таннархи»	300 млн сўм
	Кт «Захиралар»	300 млн сўм
D.	Дт «Дебитор қарздорлик»	40 млн сўм
	Кт «Тушум»	40 млн сўм

58-савол. #ўртача

20X2 йилнинг 1 январида яқка тартибдаги тадбиркор омбор ертўласидан ортиқча ер ости сувларини чиқариб ташлаш учун ускуна-насосни сотиб олди. Ускунанинг хизмат муддати чиқариб ташланган сув ҳажми асосида белгиланади, меъёр бўйича у 200 млн литрга тенг. Насосни сотиб олиш қиймати 600 млн сўмни, хизмат муддатининг охирида (тахминан 20X7 йилда) ги қутилаётган сотиш қиймати 40 млн сўмни ташкил этди.

Агар 20X5 йилда чиқариб ташланган ортиқча ер ости сувлари ҳажми 15 млн литрни ташкил этган бўлса, 20X5 йил учун ускунанинг амортизацияси қанчага тенг бўлди?

_____ млн сўмга

59-савол. #мураккаб

Компания ўз автосалони орқали автомобилларни сотиш билан шуғулланади. Автомобиллардан бири икки йил мобайнида салоҳиятли харидорлар томонидан синов тарзидаги ҳайдовлар учун ишлатилди. 20X1 йилнинг 31 декабрида компания ушбу автомобилни сотишга қарор қилди. Ушбу санада унинг қолган фойдали хизмат муддати яна 2 йилни ташкил этади.

20X1 йилнинг 31 декабр ҳолатига компаниянинг ҳисоботида автомобил қандай тарзда тақдим этилган бўлиши керак?

- A. асосий восита сифатида
- B. сотувлар таннархи сифатида
- C. захиралар сифатида
- D. автотранспортга оид харажатлар сифатида

60-савол. #ўртача

Қуйида келтирилган тасдиқлардан ҳар бирининг тўғри ёки нотўғри эканлигини танланг:

Дивидендларнинг тўланиши ҳар доим тақсимланмаган фойдани камайтиради – [тўғри/нотўғри]

Дивидендлар – бу дебетли қолдиққа эга бўлиши мумкин бўлган капиталга оид ягона сёт – [тўғри/нотўғри]

61-савол. #ўртача

Вам предоставили следующий счет компании за 20X2 год.

расходный счет ABC			
20X2			
умумлаштирилган айланмалар	98	умумлаштирилган айланмалар	26
[0/чиқ. қолдиқ/кир. қолдиқ/фойда]	[0/26/ 72/98]	[0/чиқ. қолдиқ/кир. қолдиқ/фойда]	[0/26/ 72/98]
	[0/26/ 72/98]		[0/26/ 72/98]
20X3			
[0/чиқ. қолдиқ/кир. қолдиқ/фойда]	[0/26/ 72/98]	[0/чиқ. қолдиқ/кир. қолдиқ/фойда]	[0/26/ 72/98]

Очилувчи рўйхатдан тегишли қийматни танлаган ҳолда, ушбу сётни МҲХСда сётларни ёпиш операциясига мувофиқ ёпинг.

Эслатма: ҳеч қандай суммалар ёки қийматлар кўрсатилиши керак бўлмаган майдонларда нолни танланг.

62-савол. #ўртача

Қуйида келтирилган тасдиқлардан ҳар бирининг тўғри ёки нотўғри эканлигини танлаб кўрсатинг:

Харидлар китобида фақат кредитли қолдиққа эга етказиб берувчилар сётлари мавжуд бўлади – [тўғри/нотўғри]

Харидлар китобидаги кредитли қолдиқларга эга етказиб берувчилар сётлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда олинган бўнақлар сифатида акс эттирилиши мумкин – [тўғри/нотўғри]

63-савол. #осон, #назарий

Қуйида келтирилган вариантлардан қайси бири асосий ҳисоб тенгламасини тўғри таърифлашини кўрсатинг:

- A. давр бошидаги активлар – давр бошидаги мажбуриятлар = давр бошидаги капитал
- B. давр охиридаги активлар + давр охиридаги мажбуриятлар = давр охиридаги капитал
- C. давр охиридаги активлар = давр охиридаги мажбуриятлар – давр охиридаги капитал
- D. давр бошидаги активлар + давр бошидаги капитал = давр бошидаги мажбуриятлар

64-савол. #ўртача

20X8 йилнинг декабр ойи якунида компания ҳали у пайтда ҳақиқатда ҳужжатлар билан тасдиқланмаган коммунал харажатларни ҳисобга олиш учун тўғри ўтказмаларни амалга оширди. Харажатларнинг баҳоланган қиймати ўша пайтда 209 млн сўмга тенг бўлди. 20X9 йилнинг январ ойида олинган ҳақиқатдаги ҳужжатлар ушбу коммунал харажатлар суммасига аниқлик киритди: у 213 млн сўмни ташкил этди. 20X9 йилнинг январ ойида ушбу вазиятни тўғри акс эттириш жараёнида компания бундай ўтказмани амалга оширди:

Дт «Ҳисобланган харажатлар»	209 млн сўм
Кт «Коммунал харажатлар»	209 млн сўм

Юқорида келтирилган 20X9 йилнинг январ ойида амалга оширилган ўтказманинг тўғри таърифни танланг:

- A. ҳақиқатда амалга оширилган коммунал харажатларни ҳисоблаш
- B. ҳисобланган харажатлар бўйича мажбуриятни ҳисоблаш
- C. ҳисобланган харажатлар бўйича илгари ҳисобланган мажбуриятни сторнолаш
- D. илгари ҳисобланган ҳақиқатдаги коммунал харажатларни сторнолаш

65-савол. #ўртача, #назарий

Қуйида келтирилган тасдиқлардан ҳар бирининг тўғри бўлиши учун очилувчи рўйхатдан мос келувчи сўзларни танланг:

Сотувлар китобидаги харидорнинг [кредитли/дебетли] қолдиққа эга счёти компаниянинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида дебитор қарздорлик сифатида акс эттирилади.

[Сотувлар китоби/Харидлар китоби]нинг асосий вазифаси ҳар бир муайян харидор кесимидаги қарздорлик қолдиғи тўғрисида батафсил маълумотларни қайд этишдан иборат. Бунда харидор счётидаги қолдиқ [кредитли/дебетли/исталган] бўлиши мумкинлиги янада муҳимдир.

66-савол. #мураккаб

Компания қимматбаҳо гиламларни тўқиш билан шуғулланади, бунда фақат қўл меҳнатидан фойдаланилади. Ҳозиргина тўқилган гиламга тегишли бўлиши мумкин бўлган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилган:

- материаллар қиймати – 240 млн сўм;
- тўқувчининг ойлик иш маоши – 60 млн сўм (бир ой давомида гилам устида икки нафар тўқувчи ишлади);
- гиламларни тўқишда бевосита иштирок этмаган компания директорининг иш ҳақи – 340 млн сўм;
- фирманинг – гилам ишлаб чиқарувчининг реклама харажатлари – 50 млн сўм;
- гиламнинг кутилаётган сотиш баҳоси – 980 млн сўм.

Ушбу гиламнинг бошланғич қиймати қанчага тенг бўлишини аниқланг?

_____ млн сўмга

67-савол. #мураккаб

Қуйида якка тартибдаги тадбиркорнинг 20X9 - ҳисобот йили учун айланма-қолдиқ қайдномасидан кўчирма тақдим этилган:

	Дт млн сўмда	Кт млн сўмда
амортизация	40	
бошқарув харажатлари	60	
тушум		410
дивидендлар	43	
31/12/20X9 ҳолатига захиралар таннархи	32	
сотувлар таннархи	190	
ҳисобланган харажатлар		68

Ушбу ахборот асосида якка тартибдаги тадбиркорнинг 20X9 -йил учун фойдаси қанчага тенглигини аниқланг?

- A. 52 млн сўмга
- B. 9 млн сўмга
- C. 92 млн сўмга
- D. 120 млн сўмга

68-савол. #ўртача

Компания бир неча йиллардан бери ўзининг уч нафар ходими учун фитнес-клубга ташрифни тўлаб келмоқда. Бир нафар ходим учун 1 ой давомидаги ташриф қиймати 20 млн сўмни ташкил этади.

Фитнес-клубнинг хизматлари бўнак тўловлари билан тўланади, шу тариқа 20X3 йилнинг 1 январ ҳолатига олдиндан тўлов 72 млн сўмга, 20X3 йилнинг 31 декабр ҳолатига эса – 89 млн сўмга тенг бўлган.

Компания 20X3 -йилда фитнес-клуб хизматлари учун қанча пул маблағларини ўтказганлигини аниқланг?

_____ млн сўм

69-савол. #мураккаб, #назарий

Қуйида келтирилган тасдиқлардан ҳар бирининг тўғри ёки нотўғри эканлигини очилувчи рўйхатдан танлаб кўрсатинг:

Ҳисобланган харажатлар (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг мажбуриятлар моддаси сифатида) кредитор қарздорлик бажарадиган айна бир хил функцияни бажаради: ташкилотнинг ташқи контрагентлар олдидаги қарзини кўрсатади – [тўғри/нотўғри]

Ҳисобланган харажатларни сторнолаш – бу ҳисоб механизми бўлиб, у айнан бир хил харажатнинг турли ҳисоб даврларида такрорий тан олиниши олдини олиш имконини беради – [тўғри/нотўғри]

70-савол. #осон, #назарий

Қуйидаги тасдиқлардан қайси бири молиявий ҳисобнинг вазифаларини энг яхши тарзда таърифлашни танлаб кўрсатинг:

- A. ташкилотнинг мулкдорлари ва кредиторларига қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ташкилот фаолияти тўғрисидаги молиявий ахборотни қайд этиш ва умумлаштириш
- B. ташкилотга нисбатан қарорлар қабул қилиш учун барча манфаатдор шахсларга зарур бўлган ташкилот фаолияти тўғрисидаги молиявий ахборотни қайд этиш ва умумлаштириш
- C. ташкилот раҳбариятига қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ташкилот фаолияти тўғрисидаги молиявий ахборотни қайд этиш ва умумлаштириш
- D. ташкилотга нисбатан қарорлар қабул қилиш учун ҳукумат тузилмаларига зарур бўлган ташкилот фаолияти тўғрисидаги молиявий ахборотни қайд этиш ва умумлаштириш

71-савол. #ўртача

20X3 йилнинг 1 январида компания омбор юклагини сотиб олди. Сотиб олиш нархи 400 млн сўмни ташкил этди, тугатиш қиймати эса 6 йилга тенг фойдали хизмат муддатининг охирида 80 млн сўмга баҳоланди. Компания ускуна бўйича амортизацияни ҳисоблашда камайиб борувчи қолдиқ усулидан фойдаланади, унинг ставкаси йилига 30% қилиб белгиланган.

20X4 -йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда усқунанинг амортизацияси қанчага тенг бўлишини кўрсатинг?

- A. 120 млн сўмга
- B. 84 млн сўмга
- C. 96 млн сўмга
- D. 67 млн сўмга

72-савол. #мураккаб

Сизга ҳисобчи ҳамкасбингиз 20X3 -йил учун компаниянинг айланма- қолдиқ қайдномасидан кўчирмани кўрсатди:

	Дт млн сўмда	Кт млн сўмда
сотувлар китобидаги контрагентларнинг счёtlари	78	452
харидлар китобидаги контрагентларнинг счёtlари	424	56
бошланғич қиймат	157	
сотувлар таннархи	602	
жамғарилган амортизация		81
сотиладиган товарлар захиралари	213	
банк ҳисобварақлардаги қолдиқлар	23	56

Ҳамкасбингизга 20X3 йилнинг 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ушбу ахборотни активлар ва мажбуриятлар кўринишида тақдим этишда ёрдамнинг зарур. У сизга компания активлар ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олишдан фойдаланмаслигини маълум қилди.

Берилган маълумотлар асосида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга киритиш учун активларнинг умумий суммасини ва мажбуриятларнинг умумий суммасини кўрсатинг:

активлар _____ млн сўмга тенг

мажбуриятлар _____ млн сўмга тенг

73-савол. #ўртача

Компаниянинг яқунланган давр учун тушуми 420 млрд сўмни, таннарх эса – 350 млрд сўмни ташкил этади.

Жавобни бутун сонгача яхлитлаган ҳолда, яқунланган давр учун устама ва фойда нормаси қанчага тенглигини фоизларда кўрсатинг:

устама _____%

фойда нормаси _____%

74-савол. #ўртача

Компаниянинг бош китобидаги 2-415-02-02 счётида давр охирида дебетли қолдиқ шаклланди.

У нимани англатиши мумкинлигини кўрсатинг?

- A. ёки мажбурият, ёки даромад
- B. ёки мажбурият, ёки харажат
- C. ёки капитал, ёки мажбурият
- D. ёки харажат, ёки актив

75-савол. #ўртача

20 мартда компания тўловни 45 кунга кечиктириш шарти билан етказиб берувчисидан суммаси 200 млн сўмга тенг товар туркумини сотиб олди. 22 мартда компания ушбу товар туркумини 280 млн сўмга тенг нархда етказиб бериш ҳисобига харидордан бўнакни олди. Етказиб бериш 14 апрелга мўлжалланган.

Ушбу иккита операция компаниянинг март ойи якунидаги молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида мажбуриятларга қандай таъсир қилишини кўрсатинг?

- A. мажбуриятлар 200 млн сўмга ошади.
- B. мажбуриятлар 80 млн сўмга ошади.
- C. мажбуриятлар 480 млн сўмга ошади.
- D. мажбуриятлар 280 млн сўмга ошади.

Бошқарув ҳисобига кириш

Жавоблар

1-саволга жавоб.

B.

Жавобга изоҳ:

Бошқарув ҳисоби ташкилотни ички бошқариш ва бошқарувга оид қарорларни қабул қилиш учун ахборотни тақдим этишга мўлжалланган. Солиқ қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат одатда молиявий ҳисоб доирасига киради.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 1. A-бандига қаранг

2-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобдан таҳлил усулларида ва воситаларида анчайин эгилувчанлиги ва турли-туманлиги билан фарқ қилади, бу раҳбариятга уни ташкилотнинг ички эҳтиёжларига мослаштиришга имкон беради

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 1. A, 1. B-бандларига қаранг

3-саволга жавоб.

тўғри/тўғри

Жавобга изоҳ:

Тўғри ташкил этилган бошқарув ҳисоби ташкилотнинг барқарор ривожланишига ёрдам бера олади, бошқарув ҳисобининг услублари ва воситалари эса, одатда, компаниянинг ўз хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 1. B, 1. D-бандларига қаранг

4-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки сотиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ харажатлар (ушбу ҳолатда сотилган ҳар бир дона китоб учун қалам ҳақи тўловлари) бевосита харажатларга киради.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. D-бандига қаранг

5-саволга жавоб.

B, D.

Жавобга изоҳ:

Товарларни мамлакатдан олиб чиқишга чекловлар компания маҳсулотини экспорт қилиш ҳажмларини қисқаришига олиб келиши мумкин, бу ўз навбатида сотувлар ҳажми ва фойдага салбий таъсир қилиши мумкин.

Маҳсулот ҳақидаги салбий фикрларнинг берилиши истеъмолчилар талабининг пасайишига олиб келиши мумкин, бу ҳам сотувлар ҳажми ва фойдага таъсир қилади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 5. E-бандига қаранг

6-саволга жавоб.

B.

Жавобга изоҳ:

Ишлаб чиқаришга оид ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ тарзда ўзгаради. Ушбу ҳолатда электр энергияси сарфлари ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлади, шу сабабли улар ўзгарувчан харажатларга киритилади.

Агент (воситачи)нинг мукофоти сотилган маҳсулотнинг миқдорига боғлиқ, шунинг учун у сотишга оид ўзгарувчан харажатларга тегишли бўлади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. B, 2. G-бандларига қаранг

7-саволга жавоб.

A, B.

Жавобга изоҳ:

Стандарт оғиш – бу берилган маълумотларнинг ўзгарувчанлиги ўлчови. Стандарт оғиш қанчалик кичик бўлса, маълумотлар шунчалик барқарор бўлади.

Абдуллаевнинг сотувларига оид стандарт оғиш Мўминовникига нисбатан анча катта, бу эса унинг кунлик сотувлари анчайин ўзгарувчан эканлигидан далолат беради.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 6. B, 6. D-бандларига қаранг

8-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Бир йил учун компаниянинг умумий харажатларини ҳисоблаш тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$TC = VC \times V + FC,$$

бунда TC - умумий харажатлар, VC - бир бирлик учун ўзгарувчан харажатлар, V – бир йил учун маҳсулот ҳажми, FC – доимий харажатлар.

Берилган мисолда доимий харажатларни бир йил учун ҳисоблаш зарур (100 x 12 ой). Бундан:

$$\text{Умумий харажатлар тенгламаси: } TC = 2 \times V + 1200$$

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 6. G-бандига қаранг

9-саволга жавоб.

нотўғри/нотўғри

Жавобга изоҳ:

Минимакс усули ва энг кичик квадратлар усули – бу ўзгарувчан ва доимий харажатларни аниқлаш бўйича иккита турли ёндашув. Минимакс усулида харажатларни ажратиб олиш учун ишлаб чиқариш ҳажмлари минимал ва максимал бўлган иккита даврга оид ахборотдан фойдаланиш назарда тутилади, бу энг кичик квадратлар усулига нисбатан оддийроқ ҳисоб-китобдир.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 6. G-бандига қаранг

10-саволга жавоб.

C.

Жавобга изоҳ:

Устама харажатлар маҳсулотнинг аниқ бирлигини ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлардир.

Мато, ёғоч ва металл маҳсулотни яратиш учун зарур бўлган материалларнинг бир қисми, шунинг учун улар бевосита харажатларга тегишли бўлади.

Диванга термик ишлов беришда сарфланган электр энергияси ишлаб чиқаришга оид умумий харажатларнинг бир қисми бўлиб, у устама харажатларга киради.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. D-бандига қаранг

11-саволга жавоб.

B.

Жавобга изоҳ:

Солиқ органлари учун фойданинг ўзгарганлигининг асосини тайёрлаш оғишлар таҳлилининг мақсадларидан бири эмас.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 5. B-бандига қаранг

12-саволга жавоб.

C.

Жавобга изоҳ:

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмларига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, улар қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги ёки сотилганлигидан қатъи назар, доимийлигича (ўзгармасдан) қолаверади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. G-бандига қаранг

13-саволга жавоб.

B.

Жавобга изоҳ:

Ишлаб чиқариш бўйича директор материалдан фойдаланиш бюджетини тайёрлашда ахборотнинг ишончли манбаи бўлиб ҳисобланади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. C-бандига қаранг

14-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Сифати пастроқ бўлган материалдан фойдаланиш материалга ишлов бериш бўйича қўшимча меҳнатни талаб этганлиги боис, бу меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Тажрибали ходимнинг ишдан кетиши ва уни иш ўрганувчи-стажёр билан алмаштирилиши ҳам умумий меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади, чунки иш ўрганувчининг тезлиги анча суст бўлади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 5. С-бандига қаранг

15-саволга жавоб.

Харажатга доир мисоллар	Харажат турлари
Бошқарув ҳисоби бухгалтерининг иш ҳақи	Доимий маъмурий харажатлар
Ишлаб чиқариш хоналарига солиқ	Ишлаб чиқариш бўйича доимий харажатлар
Хом ашё бирлигининг импортига бож	Ишлаб чиқариш бўйича ўзгарувчан харажатлар
Дўкон биносининг ижараси	Реализация бўйича доимий харажатлар

Жавобга изоҳ:

Ҳисобчилар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдилар ва уларнинг иш ҳақлари ишлаб чиқариш ёки сотувлар ҳажмига боғлиқ бўлмайди, шу сабабли бу – маъмурий харажатлар.

Ишлаб чиқариш хоналарининг амортизацияси суммаси ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмас, шунинг учун у доимий ишлаб чиқариш харажатларига киритилади.

Хом ашё бирлиги импорти учун бож тўлови ишлаб чиқариш ҳажмларига боғлиқ бўлмаган тарзда бир бирлик хом ашёга нисбатан ўзгармайди.

Дўкон учун жой ижараси сотувларга оид доимий харажатларга киритилади, чунки ижара тўлови қатъий белгиланган бўлади ва дўкондан маҳсулотни сотиш учун фойдаланилади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. В, 2. G-бандларига қаранг

16-саволга жавоб.

В.

Жавобга изоҳ:

Медианани аниқлаш учун натижаларни ўсиб бориш тартибида қаторга жойлаштириш ва ўртача қийматни танлаш лозим: 65, 80, 85, 91, 95, 100.

Медиана маълумотлар қатори ўртасидаги иккита қийматнинг ўртача арифметигига тенг бўлади:

$$(85 + 91) / 2 = 88 \text{ балл.}$$

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 6. В-бандига қаранг

17-саволга жавоб.

11250 млн сўм.

Жавобга изоҳ:

Регрессия тенгламаси ҳамда энг кичик ва энг катта миқдор усулини қўллаймиз:

Бир бирлик учун ўзгарувчан харажатлар = $(12000 - 10000) / (800 - 400) = 5$ млн сум

Доимий харажатлар = $12000 - 5 \times 800 = 8000$ млн сум

650 бирлик учун умумий кутилаётган харажатлар = $8000 + 5 \times 650 = 11250$ млн сум.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 6. G-бандига қаранг

18-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Бозордаги улуш ҳақидаги ахборот бозордаги вазиятга ва компаниянинг рақобатбардошлиги таҳлиliga тегишли, бу эса стратегик режалаштиришнинг энг муҳим жиҳатидир.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 1. C-бандига қаранг

19-саволга жавоб.

A.

Жавобга изоҳ:

Меҳнат бўйича умумий оғиш =

Ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш x Бир бирлик учун бюджет харажатлари – Ҳақиқатдаги харажатлар = $10000 \times (2 \times 4) - 75000 = 5000$.

Оғиш ижобий, чунки ҳақиқатдаги харажатлар ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми бўйича бюджетда белгиланганига нисбатан кичик бўлди.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 5. C-бандига қаранг

20-саволга жавоб.

C.

Жавобга изоҳ:

Бюджетлаштиришнинг анъанавий жараёнига қатъий боғлиқлик компаниянинг ўзгарувчан бозор шароитларига нисбатан эгилувчанлигини ва мослашувчанлигини чеклаши ва бюджетлаштиришдан кўзланган нафни камайтириши мумкин.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. B-бандига қаранг

21-саволга жавоб.

3 000 млн сўм

Жавобга изоҳ:

Ялпи фойда сотишдан тушган тушумдан сотилган маҳсулот таннархининг айирмасига тенг.

Сотилган бирликлар миқдори = $1000 \times 50\% = 500$ бирл.

Ялпи фойда = $(10 - 4) \times 500 = 3000$ млн сум.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 3. D-бандига қаранг

22-саволга жавоб.

134 250 бирлик

Жавобга изоҳ:

Тайёр маҳсулотнинг бюджет бўйича ҳажмини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

Давр бошига захиралар + Ишлаб чиқариш – Реализация (Сотувлар) = Давр охирига захиралар. Бундан:

Ишлаб чиқариш = Давр охирига захиралар $11500 \times 50\%$ - Давр бошига захиралар 11500 + Реализация (Сотувлар) $140000 = 134,250$ бирлик.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. Е-бандига қаранг

23-саволга жавоб.

С.

Жавобга изоҳ:

Материални харид қилиш бюджетини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

Давр бошига қолдиқ + Харидлар бюджети – Ишлаб чиқариш учун хом ашё бюджети = Давр охирига қолдиқ. Бундан,

Харидлар бюджети = Давр охирига қолдиқ – Давр бошига қолдиқ + Ишлаб чиқариш учун хом ашё бюджети.

Харидлар бюджети = $1000 \times 2 - 1800 \times 2 + 4400 \times 3 \times 2 = 24800$ млн сум.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. F-бандига қаранг

24-саволга жавоб.

В.

Жавобга изоҳ:

Маржинал фойда (МФ) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

МФ = Тушум – жами ўзгарувчан харажатлар ёки

МФ = (Сотиш баҳоси – Бир бирлик учун ўзгарувчан харажатлар) x Сотилган маҳсулот миқдори.

Ишлаб чиқаришга оид ўзгарувчан харажатлардан ташқари бизга реализация (сотиш) билан боғлиқ ўзгарувчан харажатлар ҳам берилган: $300 \times 10\% = 30$ млн сум битта ўрам учун.

Бундан, МФ = $(300 - 100 - 30) \times 500 = 85000$ млн сум.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 3. Е-бандига қаранг

25-саволга жавоб.

Д.

Жавобга изоҳ:

Нарх бўйича ижобий оғиш компания материаллар учун бюджетда кўзланганидан кўра камроқ тўлаганини билдиради. Демак, маблағ иқтисод қилинди.

Фойдаланиш ҳажмига кўра салбий оғиш компания режалаштирилганидан кўра кўпроқ материал ишлатганини кўрсатади. Бу эса кўшимча сарф-харажатларга олиб келган.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 5. С-бандига қаранг

26-саволга жавоб.**A.****Жавобга изоҳ:**

Хом ашёнинг йўқотишлари фоизи 10% дан 5% га пасайганида ишлаб чиқариш учун зарур материал миқдори камаяди, бу эса материал хариди ҳажмининг камайишига олиб келади.

Маржинал фойданинг ошиши материал харидига оид сарфларнинг қисқарганлиги натижаси, бу оқибатда умумий фойдани кўпайтиради.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. С, 4. J-бандларига қаранг

27-саволга жавоб.**B.****Жавобга изоҳ:**

Захираларни бошқариш бўйича «роппа-роса ўз муддатида» услубининг қўлланиши захиралардан янада самаралироқ фойдаланишга олиб келади. Шу сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ўзгармайди, бунда харид қилинган материал ҳажми камаяди.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. I-бандига қаранг

28-саволга жавоб.

32 500 млн сўм (ижобий)

Жавобга изоҳ:

Меҳнат унумдорлиги бўйича оғиш қуйидаги формула билан ҳисобланади:

(Ҳақиқатдаги маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш учун вақт меъёри (нормативи) – Ҳақиқатда ишланган вақт) x Меҳнат ҳақининг меъёрий (норматив) ставкаси

Меҳнат унумдорлиги бўйича оғиш =

$(16000/10000 \times 11000 - 15000) \times 200000 / 16000 = 32500$ млн сўм.

Оғиш ижобий, чунки компания дастлаб режалаштирилганидан кўра камроқ меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот бирлигини ишлаб чиқарди.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 5. С-бандига қаранг

29-саволга жавоб.**D.****Пояснение к ответу:**

Оғишлар таҳлили молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун зарур эмас, чунки оғишлар таҳлили бошқарув қарорлари учун керак.

Реализация (сотув) нархи бўйича оғишни ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишга эга:

Релизация нархи бўйича фойданинг оғиши = (Реализациянинг ҳақиқатдаги нархи – Реализациянинг бюджет нархи) x Реализациянинг ҳақиқатдаги ҳажми

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 5. E-бандига қаранг.

30-саволга жавоб.**С.****Жавобга изоҳ:**

Ярим ўзгарувчан харажатлар – бу ҳам доимий, ҳам ўзгарувчан харажатларни ўз ичига олган харажатлар. Муроднинг иш ҳақи ҳам қатъий белгиланган (40 млн сўм), ҳам ўзгарувчан (сотувлар суммасидан 10 %) қисмлардан иборат.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. G-бандига қаранг

31-саволга жавоб.**В.****Жавобга изоҳ:**

Маржинал фойданинг ўсиши = $40 \times 10 = 400$ млн сўм

Харажатларнинг ўсиши = 100 млн сўм

Қўшимча 40 бирл.ҳисобига фойданинг ошиши = 300 млн сўм

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 3. J-бандига қаранг

32-саволга жавоб.

1 400 кг

Жавобга изоҳ:

Материалдан фойдаланиш ҳажми =

$(X \text{ маҳсулотнинг } 100 \text{ бирлиги} * 4 \text{ кг}) + (Y \text{ маҳсулотнинг } 200 \text{ бирлиги} * 5 \text{ кг}) = 400 \text{ кг} + 1000 \text{ кг} = 1400 \text{ кг.}$

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. F-бандига қаранг

33-саволга жавоб.

2 400 млн сўм

Жавобга изоҳ:

Ялпи фойда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Ялпи фойда = Тушум – Сотилган маҳсулот таннархи ёки

Ялпи фойда = (Нарх – Бир бирлик маҳсулот таннархи) x Сотувлар ҳажми

Ялпи фойда = $(80 - 5000/100) \times 80 = 2400$ млн сўм.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 3. С, 3. D-бандларига қаранг

34-саволга жавоб.

8 160 млн сўм

Жавобга изоҳ:

Туриб қолишларни ҳисобга олганда ҳақи тўланадиган вақт = $4590 / 90\% = 5100$ соат

Меҳнат ҳақи учун харажатлар = $5100 \text{ соат} * 1.6 \text{ млн сўм.} = 8160 \text{ млн сўм.}$

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. J-бандига қаранг

35-саволга жавоб.

A, C.

Жавобга изоҳ:

Агар маржинал фойда доимий харажатлардан кичик бўлса, унда компания зарарига ишлайди, чунки маржинал фойда компаниянинг доимий харажатларини қопламайди.

Маҳсулотни сотиш баҳоси бир бирликка нисбатан ўзгарувчан харажатлардан паст бўлганида ҳам компания зарарига ишлайди, чунки бундай ҳолатда сотилган маҳсулотнинг ҳар бир бирлиги компания зарарини оширади.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 3. E, I-бандларига қаранг

36-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Устама харажатлар – бу маҳсулотнинг конкрет (аниқ) бирлигига олиб бориб бўлмайдиган харажатлар. Маиший кимё воситалари (1), эҳтиёт қисмлари (2) ва реагентлар (3) устама харажатларга киради.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. D-бандига қаранг

37-саволга жавоб.

B, D.

Жавобга изоҳ:

Ортиқча захираларнинг сақланиши уларни сақлаш ва бузилиш ёки эскириш каби таваккалчилик хатарларининг ортишига олиб келади. Шу билан бирга, бу талабнинг ўсишида захираларнинг етишмовчилигини олдини олишга ёрдам беради, бу ортиқча захираларни сақлашдан зарарлар билан боғлиқ эмас.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 4. G-бандига қаранг

38-саволга жавоб.

A.

Жавобга изоҳ:

Бевосита харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ ва маҳсулотнинг аниқ бирлигига бевосита олиб борилиши мумкин. Велокостюм учун тўғноғичнинг харид нархи аниқ маҳсулотни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғланган.

«Бошқарув ҳисобига кириш» ўқув режасининг 2. D-бандига қаранг

Молиявий ҳисобга кириш

Жавоблар

39-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Дивидендлар тақсимланмаган фойдадан тўланади, шунинг учун улар компаниянинг жорий даврда ишлаб топган фойдасига таъсир қилмайди.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 10. А-бандига қаранг

40-саволга жавоб.

пул маблағлари – [80] – [дт]

тушум – [247] – [кт]

сотувлар таннархи – [90] – [дт]

иш ҳақи – [45] – [дт]

тақсимланмаган фойда – [10] – [дт]

Жавобга изоҳ:

Актив счётлар ва харажатлар счётлари дебетли қолдиққа, тушум счёти эса кредитли қолдиққа эга бўлади. Тақсимланмаган фойда счёти бўйича қолдиқ дебетли, чунки бу қопланмаган зарар.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 4.А-бандига қаранг

41-саволга жавоб.

верно, верно

Жавобга изоҳ:

Етказиб берувчига бўнақлар счёти – бу актив счёт, шунинг учун дебет томонидаги ўтказма етказиб берувчининг қарзини оширади.

Харидорнинг қарздорлиги счёти – бу актив счёт, шу сабабли кредит томонидаги ўтказма харидорнинг қарзини камайтиради.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 3.С-бандига қаранг

42-саволга жавоб.

B.

Жавобга изоҳ:

Тушум товарга эгалик ҳуқуқи харидорга ўтказилганида, яъни 20X2 йилнинг 30 декабрида тан олинади (ҳисоблаш тамойилига кўра).

Бундан, фойда = $120 - 80 = 40$ млн сўм.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 6.В-бандига қаранг

43-саволга жавоб.**B.****Жавобга изоҳ:**

Етказиб берувчининг хабарномасига мувофиқ, 290 млн сўм - ҳисобот даврининг охирида захираларнинг ҳақиқатдаги таннархини англатади, айнан шу суммани молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиш лозим.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 4. G-бандига қаранг

44-саволга жавоб.

300 млн сўм

входящее сальдо 250 млн сум. + амортизация за год 110 млн сум. - выбытие X млн сум. = исходящее сальдо 60 млн сум.

$X = 250 \text{ млн сум.} + 110 \text{ млн сум.} - 60 \text{ млн сум.} = 300 \text{ млн сум.}$

Жавобга изоҳ:

кирувчи қолдиқ 250 млн сўм + йил учун амортизация 110 млн сўм – ҳисобдан чиқариш X млн сўм = чиқувчи қолдиқ 60 млн сўм

$X = 250 \text{ млн сўм} + 110 \text{ млн сўм} - 60 \text{ млн сўм} = 300 \text{ млн сўм.}$

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 8. M-бандига қаранг

45-саволга жавоб.**D.****Жавобга изоҳ:**

Бизнеснинг ҳисобрақамига боғланган банк картасидан шахсий мақсадда фойдаланиш хўжалик бирлигининг автономлиги тамойилига зиддир. Ушбу тамойил шахсий ва иш маблағлари ўртасида молиявий операцияларни ва харажатларни ажратишни тахмин қилади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 1. G-бандига қаранг

46-саволга жавоб.**D.**

$X \text{ млн сўм} - (1\,400 \text{ млн сўм} - 950 \text{ млн сўм}) = 220 \text{ млн сўм}$

$X = 220 \text{ млн сўм} + (1\,400 \text{ млн сўм} - 950 \text{ млн сўм}) = 670 \text{ млн сўм}$

Жавобга изоҳ:

Асосий восита (АВ) ларни сотишдан фойда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

АВни сотишдан фойда = Сотиш баҳоси – АВ нинг баланс қиймати

Баланс қиймати (БҚ) = Бошланғич қиймат – Жамғарилган эскириш (сотиш санасида) =
 $= 1\,400 - 950 = 450 \text{ млн сум.}$

Сотиш баҳоси - БҚ 450 = Фойда 220, бундан

Сотиш баҳоси = 220 + 450 = 670 млн сум.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 8. K-бандига қаранг

47-саволга жавоб.

сотувлар таннархи – зоодўкон томонидан давр давомида сотилган аквариум балиқлари учун тўланган нарх

бошқарув харажатлари – бухгалтерия ходимларининг иш ҳақи

тижорат харажатлари – чакана савдо бўлими сотувчиларининг иш ҳақи

молиявий харажатлар – қисқа муддатли банк қарзлари бўйича тўланган фоизлар

тушум – харидорлар томонидан давр мобайнида сотилган аквариум балиқлари учун тўланган нарх

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 2. I-бандига қаранг

48-саволга жавоб.

C.

Жавобга изоҳ:

Активлар тўланган пуллар суммасига камаяди (10 + 15).

Мажбуриятлар етказиб берувчи олдидаги қарздорликни сўндириш ҳисобига камаяди.

Капитал қолган 10 млн сўмга камаяди (такси хизмати учун харажат).

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 2.С-бандига қаранг

49-саволга жавоб.

B.

Жавобга изоҳ:

Юклар жўнатилган ва харидор томонидан тўланган товар учун пулни харидорга қайтарганда харидорнинг дебитор қарздорлиги пайдо бўлади.

Харидор товарни бир ҳафтадан сўнг қайтариши керак, шунинг учун “Захиралар” счёти бўйича ўтказма ҳозирги пайтда қайд этилмайди.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 6. D-бандига қаранг

50-саволга жавоб.

360 млн сўм

захиралар			
кирувчи қолдиқ	450	сотувлар таннархи	5 250
харидлар	5 500	қайтариш	360
		чиқувчи қолдиқ	340
	<u>5 950</u>		<u>5 950</u>

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 7. D-бандига қаранг

51-саволга жавоб.**A.**

Давр бошидаги тақсимланмаган фойда 460 + йил учун фойда X – дивидендлар 340 = Давр охиридаги тақсимланмаган фойда (1630 – 800 - 100)

$$X = 730 + 340 - 460 = 610 \text{ млн сўм.}$$

Жавобга изоҳ:

Акциялар билан боғлиқ ҳеч қандай операциялар амалга оширилмаганлиги сабабли, 20X4 йилнинг 31 декабр ҳолатига эмиссион даромад ўзгармасдан 100 млн сўмликча қолади. Бундан йил охирига тақсимланмаган фойда (ТФ) 730 млн сўмни ташкил этади:

$$\text{Йил охирига ТФ} = 1\,630 - 800 - 100 = 730 \text{ млн сўм.}$$

Давр бошидаги тақсимланмаган фойда 460 + йил учун фойда X – дивидендлар 340 = Давр охиридаги тақсимланмаган фойда 730

$$X = 730 + 340 - 460 = 610 \text{ млн сўм.}$$

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 10. Н-бандига қаранг

52-саволга жавоб.

9 йил

Жавобга изоҳ:

Амортизацияланадиган сумма = 420 млн сўм – 60 млн сўм = 360 млн сўм.

фойдаланиш муддати = 360 млн сўм / йиллик эскириш 40 млн сўм = 9 йил.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 8.Ф-бандига қаранг

53-саволга жавоб.**D.****Пояснение к ответу:**

Битта контрагент билан ўзаро қарзлар мавжуд бўлганида, ўзаро ҳисоблашиш операциясини энг кичик суммага амалга ошириш мумкин. «Мушук» компаниясининг маълумотларига кўра дебитор қарздорлик 400 млн сўмни, кредитор қарздорлик эса 230 млн сўмни ташкил этгани боис, ўзаро ҳисоблашиш 230 млн сўмга амалга оширилади. Шундай қилиб, кредитор қарздорлик ёпилади ва дебитор қарздорлик камаяди.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 6. К-бандига қаранг

54-саволга жавоб.**A.****Жавобга изоҳ:**

20X4 йил учун фойда 30 млн сўмга камаяди (ҳақиқатдаги сумма билан баҳоланган сумма ўртасидаги фарққа), чунки 200 млн сўмни компания 20X3 йилнинг харажатларида ҳисобга олган.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 9. D-бандига қаранг

55-саволга жавоб.

нотўғри, нотўғри

Жавобга изоҳ:

Асосий воситалар ҳисобини юритишда тарихий қийматдан фойдаланиш ушбу активларнинг қиймати дастлаб уларнинг харид баҳоси асосида шаклланишини англатади, бироқ вақт ўтиши билан ушбу қиймат амортизация ёки бозор шароитларининг ўзгариши натижасида ўзгариши мумкин.

Тарихий қийматнинг қўлланилиши ҳисоблаш тамойилига зид эмас.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 3. G-бандига қаранг

56-саволга жавоб.

B.

Жавобга изоҳ:

Мажбурият ўтган ҳодисалар ёки ҳаракатлар натижасида компания келгусида бошқа томонга маълум ресурсларни ўтказишга ёки маълум ҳаракатларни бажаришга мажбур бўлганида вужудга келади.

Шартнома тузилганида мажбурият пайдо бўлмайди.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 5. A-бандига қаранг

57-саволга жавоб.

B.

Пояснение к ответу:

Якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) товарни сотиб бериш бўйича хизмат кўрсатмоқда. Шунга мувофиқ, товар унга тегишли эмас, шунинг учун ҳисобда захиралар акс эттирилмайди.

ЯТТнинг даромади бўлиб унинг воситачилик ҳақи ҳисобланади: $400 \times 10\% = 40$ млн сўм, буни унга етказиб берувчи қоплаб бериши (тўлаши) керак.

Мижоз ҳали пулни тўламагани учун 400 млн сўмни ташкил этган дебитор қарздорлик ва етказиб берувчи олдидаги 360 млн сўм ($400 - 40$) га тенг кредитор қарздорлик пайдо бўлади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 6. G-бандига қаранг

58-саволга жавоб.

42 млн сўмга

Жавобга изоҳ:

$15 \text{ млн л} / 200 \text{ млн л} \times (600 \text{ млн сўм} - 40 \text{ млн сўм}) = 42 \text{ млн сўм}$.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 8. H-бандига қаранг

59-саволга жавоб.

C.

Жавобга изоҳ:

Компания автомобиллар савдоси билан шуғулланганлиги сабабли автомобилга кейинги сотувга мўлжалланган товар сифатида қаралади. Демак, автомобил ҳисоботда захира тарзида кўрсатилиши лозим.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 7. A-бандига қаранг

60-саволга жавоб.

неверно, неверно

Жавобга изоҳ:

Дивидендлар счёти тақсимланмаган фойда (ТФ) счётига ёпилади, шу сабабли дивидендлар доимо ТФни камайтиради. Аммо дивидендларнинг тўланиши осонгина ТФ счёти билан жуфтликда бўлмаслиги мумкин.

Тақсимланмаган фойда счёти ҳам дебетли қолдиққа эга бўлиши мумкин – бу қопланмаган зарарлар ҳолати.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 10. F-бандига қаранг

61-саволга жавоб.

ABC харажат счёти

20X2			
умумлаштирилган айланмалар	98	умумлаштирилган айланмалар	26
[0]	[0]	[фойда]	[72]
	[98]		[98]
20X3			
[0]	[0]	[0]	[0]

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 4. D-бандига қаранг

62-саволга жавоб.

нотўғри, нотўғри

Жавобга изоҳ:

Харидлар китобида, шунингдек, дебетли қолдиққа эга бўлган етказиб берувчиларга бўнақлар счётлари ҳам мавжуд.

Етказиб берувчиларнинг счётлари бўйича кредитли қолдиқлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кредитор қарздорлик тарзида акс эттирилади. Олинган бўнақлар – бу хариддорлардан олинган бўнақ тўловлари акс эттириладиган счёт.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 5. H-бандига қаранг

63-саволга жавоб.

А.

Жавобга изоҳ:

Асосий баланс тенграмаси қуйидагича:

Активлар = Мажбуриятлар + Капитал.

Бундан, хусусий ҳол сифатида давр бошидаги капитал давр бошидаги активлардан давр бошидаги мажбуриятларни айирмасига тенглиги келиб чиқади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 2. C-бандига қаранг

64-саволга жавоб.**C.****Жавобга изоҳ:**

Агар харажатнинг ўтган даврда акс эттирилган баҳоланган суммаси ҳақиқатдаги, кейинги даврда ҳужжатлар билан тасдиқланган суммасидан фарқ қилса, аввал ҳисобланган харажат сторноланади. Шу билан бирга, харажат ҳақиқатдаги суммага кўрсатилади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 9. С-бандига қаранг

65-саволга жавоб.

дебетли, сотувлар китоби, исталган

Жавобга изоҳ:

Дебитор қарздорлик счёти доимо дебетли қолдиққа эга бўлади.

Харидорлар билан ҳисоб-китоблар сотувлар китобида акс эттирилади. Харидор счёти қолдиғи дебетли (дебитор қарздорлик ҳисобига) ҳам, кредитли ҳам (олинган бўнақлар түфайли) бўлиши мумкин.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 6. J-бандига қаранг

66-саволга жавоб.

360 млн сўмга

Жавобга изоҳ:

бошланғич қиймат = 240 млн сўм + 60 млн сўм × 2 = 360 млн сўм.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 7. E-бандига қаранг

67-саволга жавоб.**D.****Жавобга изоҳ:**

тушум	410
сотувлар таннари	-190
бошқарув харажатлари	-60
амортизация	-40
	<u>120</u>

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 4. B-бандига қаранг

68-саволга жавоб.

737 млн сўм

тўланган бўнақлар

кирувчи қолдиқ	72	харажатлар (20 × 3 ходим × 12 ой)	720
пул маблағлари	737	чиқувчи қолдиқ	89
	<u>809</u>		<u>809</u>

Жавобга изоҳ:

Фитнес-клубга тўланган бўнаклар – бу клубнинг компания олдидаги қарздорлиги.

Формуладан фойдалансак:

Давр бошига бўнак + Тўланган пул – 12 ой учун тўлашга ҳисобланган сумма = Давр охирига бўнак.

Бундан,

Тўланган пул = $72 - 89 + 20 \times 3 \text{ ходим} \times 12 \text{ ой} = 737 \text{ млн сўм}$.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 5. F-бандига қаранг

69-саволга жавоб.

тўғри, тўғри

Жавобга изоҳ:

Кредитор қарздорлик – бу харажатларни ҳисоблаб кўрсатганда пайдо бўладиган компаниянинг мажбурияти.

Аввал ҳисобланган харажатни сторнолашга зарурият, қоида тариқасида, айнан битта харажат баҳоланган суммада бир ҳисобот даврида ва харажатни тасдиқловчи ҳужжат олинган пайтда иккинчи ҳисобот даврида ҳисобга олинганида пайдо бўлади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 9. А-бандига қаранг

70-саволга жавоб.

А.

Жавобга изоҳ:

Мавжуд ва салоҳиятли саромядорлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторлар молиявий ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари бўлиб ҳисобланади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 1. D-бандига қаранг

71-саволга жавоб.

В.

Жавобга изоҳ:

Камайиб борувчи қолдиқ усулда амортизация қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Амортизация = $\text{Баланс қиймати} \times \text{Амортизация ставкаси}$. Бундан,

20X3 йил учун амортизация: $400 \text{ млн сўм} \times 30 \% = 120 \text{ млн сўм}$.

20X4 йил учун амортизация: $(400 \text{ млн сўм} - 120 \text{ млн сўм}) \times 30 \% = 84 \text{ млн сўм}$.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 8. G-бандига қаранг

72-саволга жавоб.

814 млн сўм, 564 млн сўм

Жавобга изоҳ:

Активлар = $78 + 424 + (157 - 81) + 213 + 23 = 814$ млн сўм.

Мажбуриятлар = $452 + 56 + 56 = 564$ млн сўм.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 4. В-бандига қаранг

73-саволга жавоб.

20 %, 17 %

Жавобга изоҳ:

Ялпи фойда = $420 - 350 = 70$ млрд сўм.

Устама = $70 / 350 \times 100 = 20$ %

Фойда нормаси = $70 / 420 \times 100 = 16.67$ % = 17 % (бутун сонгача яхлитлаган ҳолда)

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 2. J-бандига қаранг

74-саволга жавоб.

D.

Жавобга изоҳ:

Дебетли қолдиқ фақат актив сётларда ва харажатлар сётларида шаклланади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 3. В-бандига қаранг

75-саволга жавоб.

C.

Жавобга изоҳ:

Етказиб берувчидан тўловни кечиктириш шарти билан товар туркумини харид қилиш компаниянинг мажбуриятларини оширади, сабаби харид қилинган товар учун етказиб берувчи олдидаги қарздорлик вужудга келади.

Харидордан бўнакнинг олиниши ҳам компания мажбуриятларини кўпайтиради, чунки бу келгусида товарни етказиб бериш бўйича мажбуриятни яратади.

Натижада жами мажбуриятлар 480 млн сўмга ўсади.

«Молиявий ҳисобга кириш» ўқув режасининг 2. D-бандига қаранг
